



MIRZA SALIMBEK AND HIS SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE

Anvar Jorakulovich Yaxshiev

associate professor, candidate of historical sciences.

Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: anvarfavran@rambler.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: biy, bek, governor, ambassador, dynasty, biography, superstition, heresy, ethics, spirituality, bigotry, qushbegi, merchant, official, intellectual, governor, general.

Received: 24.05.24

Accepted: 26.05.24

Published: 28.05.24

Abstract: In this article, the life of Mirza Salimbek, a scholar, historian, poet, statesman, diplomat, author of rare works in various genres and topics, who lived and created in the era of the last emirs in the Emirate of Bukhara, which held an important place in the history of the country, his socio-ethical views and rich scientific and spiritual Issues related to inheritance are analyzed. Analyzing the spiritual and scientific heritage of Mirza Salimbek, based on the information collected so far about Alloma and the analysis of his works, he tried to interpret the issues related to his thinking, worldview, attitude to life, moral and philosophical views, and faith. The article sheds light on some controversial issues related to the life of Mirza Salimbek.

МИРЗА САЛИМБЕК ВА УНИНГ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Анвар Жўракулович Яхшиев

доцент, тарих фанлари номзоди.

Тошкент давлат иқтисодиёт унiversитети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: anvarfavran@rambler.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: бий, бек, ҳоким, элчи, сулола, биография, хурофот, бидъат, ахлоқ, маънавият, мутаассиблик, қушбеги, савдогар, амалдор, зиёли, губернатор, генерал.

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакат тарихида муҳим ўрин тутган Бухоро амирлигида сўнгги амирлар даврида яшаб ижод этган аллома, тарихчи, шоир, давлат арбоби, дипломат, турли жанр ва мавзуларда битилган нодир асарлар муаллифи Мирза Салимбек ҳаёти, унинг

ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳамда бой илмий-маънавий мероси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Аллома ҳақида ҳозиргача тўпланган маълумотлар ҳамда унинг асарлари таҳлиliga таянган муаллиф Мирза Салимбекнинг маънавий-илмий меросини таҳлил қилар экан, унинг тафаккур микёси, дунёқараши, ҳаётга муносабати, ахлоқий-фалсафий қарашлари, эътиқоди билан боғлиқ масалаларни ҳам шарҳлашга ҳаркат қилган. Мақолада Мирза Салимбек ҳаётига доир айрим мунозарали масалаларга ойдинлик киритилган.

МИРЗА САЛИМБЕК И ЕГО НАУЧНОЕ И ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ

Анвар Джоракулович Яхшиев

доцент, кандидат исторических наук

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: anvarfavran@rambler.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: бий, бек, правитель, посол, династия, биография, суеверие, ересь, этика, духовность, фанатизм, кушбеги, купец, чиновник, интеллигент, губернатор, генерал.

Аннотация: В данной статье рассмотрена жизнь Мирзы Салимбека, учёного, историка, поэта, государственного деятеля, дипломата, автора редких произведений различных жанров и тематик, жившего и творившего в эпоху последних эмиров в Бухарском эмирате, державшего важное место в истории страны, анализируются его социально-этические взгляды и богатые научные и духовные проблемы, связанные с наследством. Анализируя духовное и научное наследие Мирзы Салимбека, на основе собранных к настоящему времени сведений об Алломе и анализа его произведений, он попытался осмыслить вопросы, связанные с его мышлением, мировоззрением, отношением к жизни, морально-философскими взглядами, верой. . Статья проливает свет на некоторые спорные вопросы, связанные с жизнью Мирзы Салимбека.

КИРИШ

Бухоронинг сўнгги манғит амирлари амир Музаффар, амир Абдулахад ва амир Олимхон даврида яшаб ижод этган аллома, тарихчи, шоир, давлат арбоби, дипломат, турли жанр ва мавзуларда битилган нодир асарлар муаллифи, саройдаги фаолиятини амир Музаффар девонида оддий мирзаликдан бошлаб, амир Олимхон даврига келиб

мамлакатнинг бош закотчиси, амир ҳузурида девонбеги даражасига қадар кўтарилган, узоқ ва сермазмун, ранг-баранг ҳаёт йўлини босиб ўтган машҳур серқирра ижод соҳиби Мирза Салимбек Мирза Раҳимбек ўғлидир. Мирза Салимбекнинг ҳаёт йўлини ёритишда энг ишончлиси унинг қаламига мансуб мемуар жанрида ёзилган “Тарихи Салимий” асари асосий манба ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Тарихи Салимий” асарининг рус тилига таржимони ва тадқиқотчиси, таниқли олим Наим Норқуловнинг маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, Мирза Салимбек ўзининг туғилган санаси милодий ҳисобда 1850 йилга тўғри келишини айтган бўлишига қарамасдан, унинг ўғли отасининг 1848 йилда туғилганлигини таъкидлайди. Шу тариқа, ўғлининг берган хабари устунлик қилиб, аксар илмий адабиётлар ва биографик маълумотномаларда Мирза Салимбекнинг туғилган санасини 1848 йил эканлиги қайд этиб келинмоқда ва тадқиқотчи Наим Норқулов ҳам ўз вақтида ушбу санага эътироз қилмаган.

Юқори табақага мансуб оилада таваллуд топган Мирза Салимбек ёшлигидан рисоладагидек тарбия ҳамда таълим олиб, ўз замонасида давлат амалдорлари билиши лозим бўлган асосий билим, малака ва кўникмаларни эгаллайди. У хизмат фаолиятини Зиёвуддин беклигида ҳокимлик девони мирзалигидан бошлаганлигини ўз эсдаликларида қайд этади.

Мирза Салимбек ўз даврининг илғор фарзанди эди. Аммо оддий халқ нақл қилиб, қаттиқ ишонадиган хурофий қарашлар унга ҳам бегона бўлмаган. Буни Зиёвуддин беклиги сари отланганда йўлда кўқисдан дуч келган ва унга тўғри йўлни кўрсатиб, ўзи “ғойиб” бўлган сирли чол билан бўлган мулоқоти хотиаралари тасдиқлайди. Ўзининг гувоҳлигига кўра, Бухородан йўлга чиқиб, Малик чўлида қаёққа юришини билмай турган чоғида бир отлиқ чол кетаётганлигини кўриб, дарҳол ортидан қувиб етади ва унга тавозе билан салом беради. Улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни жузъий қисқартиришлар билан асосий моҳиятини сақлаган ҳолда баён этамиз.

“У мендан сўради:

– Йўл бўлсин?

Саросимага тушиб, кўзимда ёшим билан жавоб бердим:

– Зиёвуддин ҳокимининг ҳузурига кетаяпман, аммо йўлни билмайман.

У шундай деди:

– Ташвиш тортма ва ғамга ботма! Мен сени кузатиб қўяман. Иншааллоҳ сен кўплаб мамлакатларни кўрасан. Сен ҳузурига бораётган инсон ҳам кўплаб давлатларни кўради ва ўз даврининг илғор кишиси бўлиб етишади. Шу тариқа у менга таскин берди. Йўлакай

Самарқанд тарафдан юк ортган маҳаллий аравалар кўзга ташланди. Шунда у мухтарам зот менга шундай деди:

– Араваларни кўраяпсанми? Илгари дон-дун, ғалла туяларда ташиларди, барака туянинг оёғида бўларди. Аравани шайтон ўйлаб топган, шу боисдан одамлар орасидан нон ва доннинг баракаси кўтарилган.

Бироз мендан илгарилаб, у пастқам деворлар билан ўралган далаларни кўрсатиб, шундай деди: даштликлар далаларни ихоталаб, ўзларидан баракани қочирдилар. Илгари деворлар бўлмасди ва ғалла, дон-дун сероб бўларди. Биз йўл юриб Ригармсарой деган жойга етиб бордик, у ерда уч-тўртта иморат, масжид ва ҳовуз бор эди. Унинг таклифи билан мен чанқаган отимни суғордим. Биз яна чўл сари равона бўлдик. У менга юзланиб шундай деди:

– Бўтам, мана катта йўл. Яна озроқ юрсанг Зиёвуддин вилоятига етиб оласан. Агар йўл бўйлаб чапга юрсанг, унда Кармана вилоятига борасан.

Ушбу мухтарам зотни тинглаб, унинг сўзларини эътиборга олиб, Кармана йўлига қарадим ва яна у зот томонга юзландим. Аммо у эди йўқ, ғойиб бўлган эди. Қанчалик кўз ёш тўкмай, фойдаси бўлмади”.

Гарчи ислом дини бундай хурофий қарашларни буткул инкор этган бўлишига қарамасдан, мазкур лавҳа замонасининг илғор кишиси бўлсада, Мирза Салимбек оддий халқ сингари йўлларда ва чўлларда пиру авлиёларнинг руҳлари мададкор бўлиши, “мангу барҳаёт” Хизир алайҳисаломнинг мушкул вазиятларда танланган инсонларга ёрдамга келиши, йўл кўрсатишига шубҳа қилмаганлигига далолат қилади. Сухбатнинг мазмуни эса мутаассиблик ҳукм сурган Бухорода ҳар бир янгиликка бидъат сифатида қаралганлигини тасдиқлайди. Ваҳоланки, арава юк ташиш воситаси сифатида қадим замонлардан буён амал қилиб келганлиги маълум. Далаларнинг девор тўсиқлар билан ўралиши эса инсонлар ахлоқи ва маънавиятида содир бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ ва бу борада муаллифни айблаш қийин.

Бу пайтда Зиёвуддин беклигида ҳукмрон сулола вакили Останақул бий ҳоким бўлиб, Мирза Салимбек унинг девонида ярим йил Мирзалик қилади. Бу пайтга келиб, амирлик чор Росиясининг вассалига айланиб улгурган эди. Амир Музаффарнинг хос топшириғи билан Мирза Салимбек Бухро давлатининг савдо агенти сифатида Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази Тошкент шахрига жўнатилади ва 12 йил давомида савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш борасида амирнинг махфий топшириқларини бажаради. Ҳар олти ойда Бухорога келиб, шахсан амир билан учрашиб, қилинган ишлар юзасидан ахборот беради ва янги топшириқлар билан яна Тошкентга йўл олади. Тошкентда жуда

кўплаб таниқли савдогарлар, амалдорлар, зиёлилар билан дўстлашади, ҳатто генерал-губернаторнинг бир неча бор хос меҳмони бўлиб, юксак илтифот, иззат-ҳурматга сазовор бўлади, қимматбаҳо совға-саломлар билан сийланади.

Мирза Салимбек топқир, фикри тийран ва фалсафий мушоҳадаларга бой инсон бўлганлигини унинг рус генераллари билан бўлган суҳбатларига доир хотралари тасдиқлайди. Ана шундай суҳбатларнинг бири генерал Черняев ўрнига Н.О.Розенбах Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланган 1884 йили, ҳали у Тошкентга етиб келгунга қадар губернатор вазифасини вақтинча бажариб турган генерал Н.И.Городеков уйида меҳмонда пайти бўлиб ўтади. Ушбу меҳмондорчиликда губернаторлик олий амалдорларидан 20 чоғли киши иштирок этган бўлиб, Мирза Салимбек воқеани шундай хотирлайди:

– Штаб бошлиғи, кекса генерал Н.Разгонов менга шундай сўзлар билан юзланди: “Мен Европа мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилдим, Истанбул, Эрон ва Хитойда бўлдим ҳамда турли фанларга доир китоблар мутолаа қилдим ва улардан хабардорман. Бирор бир мамлакатга борар эканман, мен ҳукмдорларнинг саройини, бозорларни, олтиндан тайёрланган ғаройиб буюмларни кўрдим”. Шунда мен улардан сўрадим: “Ушбу буюмлар – санъат асарлари қайси мамлакатники?” Менга айтишдики: “Булар Бухоронинг буюмлари”. Мен яна сўрадим: “Сизнинг молларингиз қйси мамлакатларда савдо қилинади?” Айтишдики: “Улар ҳаммадан кўпроқ Бухорога этилади”. Мен Бухорои шарифни кўрмаганимдан таасуфдаман. Тошкентга келгач генерал Кауфман билан бирга Самарқандга бордим. Ундан Бухоронинг катталигини сўрадим. У Бухоро ҳам Самарқандча келишини айтди. Мен кўрдимки Самарқанд чоқликкина бир шаҳар экан. Шу боисдан сиздан сўрамоқчиман, “унча катта бўлмаслигига қарамадан Бухоро кўплаб мамлакатлардан келтирилган ана шу барча молларни қаерга сарфлайди? Шунингдек, бошқа малакатларга эртилаётган ана шу ғаройиб моллар қаердан пайдо бўлмоқда?” Мен жавоб беришим шарт эди. Ғойибдан миямга бир фикр келди ва шундай жавоб бердим: “Сиз китоблардан ўқиб билганларингиз ва саёҳатларда кўганларингизни эслай оласизми?” У жавоб берди: “Албатта эслай оламан”. Мен ундан сўрадим: “Танангизнинг қайси қисми ушбу барча билимларни ўзида сақлайди?” У айтди: Уларни юрагимда сақлайман. Мен сўрадим: “Юрагингизнинг катталиги қанча келади?” У бош бармоғини кўрсатиб, жавоб берди: “Шу бармоғим катталигича келади”. Мен яна ундан сўрадим: “Шундай митти бир юракка саёҳатлар давомида ортирган барча билимларингиз қандай жо бўлади? Нима сабабдан уларнинг ўрни инсоннинг бошида, қорнида ёхуд орқасида эмас”. У жавоб берди: “Аллоҳ таоло барча билмлар учун инсон қалбини жой этиб белгилаган”. Мен унга айтдим:

“Табиблар ва олимлар инсон танасини етти қисмга ажратадилар. Худди шундай улар ер куррасини ҳам етти иқлимга ажратадилар. Маълумки, ер курраси инсоният истиқомат қиладиган ҳудуд ҳисобланади ва худди инсон танасига ўхшайди: Истанбул дунёнинг боши ҳисобланади, Москва – дунёнинг орқаси (қадди), Европа – қорни, Хитой – дунёнинг оёқлари, Эрон дунёнинг қўллари, дунёнинг юраги эса Бухорои шарифдир”. Шунда генерал ўрнидан турди ва сўради: “Тўғриси айтинг, бундай жавобни қайси китобдан ўқигансиз?” Мен унга айтдим: “Бирор бир қўлёзмада буни кўрмаганман ва ҳеч кимдан эшитаганман ҳам”. Шундан сўнг Мирза Салимбек барча меҳмонлар уни олқишлаб, генерал Городеков олтин соат тортиқ қилганлигини айтади.

Бугунги кун нуқтаи назаридан ўта содда ва жўн бўлиб туюувчи ушбу суҳбат тафсилотлари Мирза Салимбекнинг қуббаи ҳофизаси, унинг дунёқараши, фалсафий тафаккури миқёси ҳақида бир қадар тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу ўринда бармоқми ёки муштумми деган масала мунозарали бўлиб, бу ерда генерал адашганми ёхуд Мирза Салимбек уни нотўғри англаганми, буни тафтиш қилиш имконият доирасидан ташқари. Нима бўлганда ҳам алломанинг ўз ватанини севиши ва уни юксак қадрлашига унинг генералга берган соддагина жавоблари далолат қилади дейиш мумкин.

Тошкентда олиб борган узоқ йиллик фаолияти ниҳоясига етгач Мирза Салимбекка мирохур рутбаси берилиб, у Хутфор ва Самчин туманларига амлоқдор этиб тайинланади. Тошкентдаги фаолияти, рус генераллари билан бўлган муносабатлари, рус тилини яхши ўзлаштирганлиги ҳамда рус урф-одатларидан хабардор эканлиги унинг кейинги тақдирида ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, амир Абдулаҳад тахтга келгач Мирза Салимбек 1885 йили Бухоро элчилиги таркибида мерополиянинг пойтахти Санкт Петербург шаҳрига ташриф буюрганлиги шундан далолат беради.

Амир Абдулаҳад ҳукмронлиги даврида ҳам Мирза Салимбек мансаб пиллапояларидан юқорилашда давом этди. Жумладан, у беш йил давомида Бухоронинг миршаби лавозимида хизмат қилди. Сўнгра у тўқсабо рутбасига лойиқ топилди ва Яққабғ ҳокимлигига тайинланди ва 1893-1898 йилларда ушбу вилоятни бошқарди. Орадан беш йил ўтиб у Нурота вилояти ҳокимлигига тайинланади ва ушбу бекликни 1898-1902 йилларда бошқаради.

Сўнгра 1902 йили у Бойсун вилояти ҳокимлигига тайинланади. Наим Норкуловнинг муаллиф хотиралари асосида келган хулосасига кўра, Мирза Салимбекнинг удабуронлиги боис қаерда вазият мураккаб ва оғир бўлса, амир уни ўша ҳудудга бошлиқ қилиб жўнатган. Шу тариқа у 1905 йили Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Шеробод вилояти ҳокимлигига тайинланади ва уни 1909 йилга қадар бошқаради. Шу ҳокимлиги

даврида у Ватан манфаатларининг қизғин ҳимоячиси сифатида ўзини намоён этади. Гап шундаки, Термизнинг стратегик аҳамиятини инобатга олган Русия ҳоимияти доимий плацдарм барпо этиш мақсадида амирдан ер ажаратишини сўрайди. Ушбу масалада Мирза Салимбек мустамлакачиларга ер ажратилишига имкон қадар қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилганлигини кўрамиз. Аммо қарорни амир қабул қилади ва у 1900 йил 27 январдаги эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги фармойиши билан Амударё, Сурхондарё ҳамда шимолдан кумликлар билан чегараланувчи умумий майдони 10514 десятина ерни қайтариб олмаслик шарти билан чоризм ихтиёрига тақдим этади.

Тарихдан маълумки, Шаҳрисабз кенагаслари сўнгги манғит амирларига саркашлик қилиб, мустақиллик байроғини кўтариб, доимий диққат марказида бўлишган. Уларнинг исёнлари сабаб амирлар ҳатто ёзни Шаҳрисабзда ўтказишга ва бу ерда салмоқли қўшин сақлашга мажбур бўлишган. Маҳаллий кенагасларнинг амир ҳокимиятидан норозиликлари авжига чиққан ана шундай бир даврда Мирза Салимбек 1910 йили Шаҳрисабз ҳокимлигига тайинланади. Амирнинг содиқ амалдори сифатида у ушбу ғалаёнларни бостиришда фаоли иштирок этади. Бу ерда у 1913 йилга қадар фаолият олиб борган.

Бу даврда ҳокимият манғитларнинг сўнгги амири Олимхон тасарруфида бўлиб, ўзининг содиқ хизматлари сабаб Мирза Салимбек унинг даврида ҳам эъзоз топади. Пойтахтга чақирилиб, мамлакатнинг бош закотчиси вазифасига тайинланади. Амирлик қўшинларининг ҳолати ва дала машқлари ҳамда ундан кейин армия зобити ва оддий аскарнинг бир растада ёнма-ён туриб савдо қилиши хусусида Русия генераллари ажабтовур хотиралар ёзиб қолдиришган. Мазкур гувоҳликлар ҳақиқат эканлигига беихтиёр ишонгингиз келади. Гап шундаки, Мирза Салимбек ҳарбий соҳа мутахассиси бўлмаган, мунтазам қўшинда хизмат қилмаган, гарчи ҳокимликлар тасарруфида муайян миқдорда навкарлар сақланган ва уларни ҳокимлар бошқарганлигидан хабардормиз. 1918 йилги март воқеалари, яъни Бухорога Колесов ҳужуми чоғида, Н.Норкуловнинг манбаларга таяниб гувоҳлик беришича, Колесов армиясига қарши сафарбар этилган амирлик қўшинларига Мирза Салимбек шахсан қўмондонлик қилади. Шунингдек, амир Олимхоннинг Колесов билан музокара олиб борган вакиллар ҳайъатига ҳам Мирза Салимбек раҳбарлик қилади.

Мирза Салимбек ҳукмрон табақа вакили сифатида кимда ким сиёсий бошқарув тартибларини танқид қилса ёхуд шубҳа остида қолдирса, янги тартиблар жорий этиш тарафдори бўлса ёхуд муҳолифларча фикрласа буни давлатга ва ҳукмдорга хиёнат, исён сифатида қабул қилган. Бундай ёндашувни бир пайтлар амир Музаффарнинг Русия

империяси билан сулҳ битимини тузиб, васалликни қабул қилишга рози бўлганлигига эътироз сифатида Самарқанддаги мустанлакчилар горнизонига ҳужум қилган валиаҳд шахзода Абдумалик тўранинг ҳаракатларига бўлган муносабатида ҳам кўриш мумкин. Шахзоданинг муроди амалга ошмай, дар-бадарликда вафот топишини Мирза Салимбек оқпадар ўғилга Яратганнинг юборган жазоси сифатида қабул қилади ва Абдумалик тўрага нисбатан бутунлай салбий муносабат изҳор этади.

Мирза Салимбекнинг жадидлар, ёш бухороликларга муносабати ҳам ўта салбий эканлиги сир эмас. Албатта, ёш бухороликлар большевикларнинг қутқусига учиб қаттиқ янглишган эдилар ва бунинг товонини ёш бухороликлар йўлбошчиси бўлган Файзулла Хўжаевнинг кейинчалик ўз жони билан тўлашига тўғри келганлигига тарих шохид. Бухорода давлат тўнтариши арафасида ёш бухороликлар ва большевикларнинг анчагина қисми Чоржўй вилоятида танда қўйган ва сиёсий фаолиятларини шу ердан туриб амалга ошираётган эдилар. Ушбу вазиятга чек қўйиш мақсадида Мирза Салимбек 1920 йилнинг март ойида Чоржўй вилояти ҳокимлигига тайинланади. Аммо ғишт қолипдан қўчган, юзага келган вазиятни нафақат бир вилоят-туман ҳокими, ҳатто амирнинг ўзи ҳам ўнглашга эндиликда қодир эмаслиги тайин эди.

Бухорога большевикларнинг ялпи ҳужуми бошланган бир пайтда 1920 йилнинг 19 августида Мирза Салимбек қизил қўшинлар томонидан Бухоронинг 56 нафар амалдорлари сафида қўлга олинади ва ҳокимиятдан четлатилаиб, бир йил қамокда сақланади. Бошқа бир ўринда Наим Норқулов Мирза Салимбек қўлга олинган Бухоро амалдорлари билан Сибирга сургун қилинганлигини айтади. Хуллас, орадан бир йил ўтиб у озодликка чиқарилади.

Мирза Салимбек Бухоро республикаси даврида ҳам хизмат фаолиятини давом эттирган. У “Анжумани тарих” ташкилотида ишлар экан, Қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни асраш Бухоро қўмитаси томонидан амалга оширилган Бухоро аркининг тарихини тузишда фаол қатнашади. Закотчилик тажрибасига эга бўлган Мирза Салимбек Бухоро республикасида солиқ идораси мудирини ўринбосари лавозимида ишлайди. Сўнгрок вақф ишлари билан шуғулланувчи “Авкоф” идорасида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилади, қадимий қўлёзмалар кутубхонасига мудирлик қилади.

Узоқ, баракали ва саргузаштларга бой умр кечирган Мирза Салимбек 1930 йили вафот этади.

Мирза Салимбек ўз умри давомида савобли ишлар қилишга ҳам алоҳида аҳамият берган. У нафақат амалдор, балки каттагина сармоядор ҳам бўлган. Н.Норқуловнинг сўзларига кўра, у ўз маблағи ҳисобидан мадраса қурган, ўз ер-сувлари ва мулкнинг бир

қисмини вақф қилиб берган, масжид ва макбараларни таъмирлаган, ариқлар чиқарган, адабий фаолият олиб борган.

Юқорида айтилганидек, Мирза Салимбек бир қатор тарихий, адабий ва диний-тарбиявий асарлар муаллифидир. “Тархи Салимий” асари хусусида етарлича тўхталдик. “Кашкули Салимий ва та’рихи мутаққадимин ва мутаахирин” (“Салимийнинг дарвешлар халтаси, илгариги ва кейинги ҳукмдорлар тарихи”) ҳам муаллифнинг тарихий мавзудаги асарлари сирасига киради. Ўрта Осиё тарихига бағишланган ушбу асарда асосан Бухорони қадимги даврлардан бошлаб 1912 йилга қадар бошқарган ҳукмдорлар тарихи баён этилганлиги, Россия ва Туркиянинг қисқача тарихига ҳам асардан ўрин ажратилганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этилган.

Тазкира жанрига бағишланган, қисқача номи “Тухфатул аҳбоб” (“Дилга яқин кишиларга армуғон”) деб аталувчи асари муаллифнинг галдаги ижоди намунасидир. Шарқшуносларнинг гувоҳлигига кўра, ушбу тўплам Возеҳ таҳаллуси билан ижод қилган Мулла Раҳматулла Бухорийнинг шу номдаги анталогиясини ўз ичига олган бўлиб, ушбу тўпламга Мирза Салимбек ўзига замондош юзга яқин шоирлар ҳақидаги маълумотларни илова қилган, шеърларидан намуналар келтирган, жаид шоирлар ҳам шулар жумласидандир. Мазкур антология Мирза Салимбекнинг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда шеърларидан намуналар билан якунланиши айтилади.

Шунингдек, тожик тилида назмда ёзилиб, кейинчалик ижодкорнинг ўзи томонидан ўзбек тилига ўгирилган тарбиявий-ахлоқий мазмундаги “Жомеи гулзор” (“Гулзор мажмуи”), араблардан ўзлаштирилган ахлоқий мазмундаги ҳикоялардан иборат “Дурратил воизин” (“Воизлар сочган дурлар”), ушбу асар мавзудаги “Дурратил воизин” (“Воизлар сочган дурлар”), болаларга бағишланган “Ҳикойаи Каъб ал аҳбор ва ҳикойоти Абдулла бин Муборак” (“Янгиликларни тарқатувчининг ҳикоялари ва Муборак ўғли Абдулла ҳақида ҳикоя”) асари ҳам Мирза Салимбек қаламига мансуб. Аллома таржимонлик фаолияти билан ҳам шуғулланган. Мутахассилар унинг “Аҳодисил аъмол” (“Амалдаги ҳадислар”) асарини арабчадан ўгирганлигини қайд этишади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, алломанинг ҳаёт ва ижод йўлини ўрганиб, унинг серқирра ижод соҳиби бўлганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гарчи бутун умри муҳим давлат хизматларида ўтган бўлсада, бўш вақтларида ижод билан шуғулланиб, ўзидан салмоқли маънавий мерос қолдира олган. Унинг тарихий жанрдаги асарларининг сўнгги манғитлар даврига бағишланган қисми ўзининг оригиналлиги, бошқа манбаларда учрамайдиган фактларга бойлиги билан ажралиб туради ва тарихчилар учун

нодир манба вазифасини ўтаб келмоқда. Ушбу асарлар Мирза Салимбек тимсолида жамиятда кечган воқеа-ҳодисаларга ҳукмрон табақанинг муносабати аслида қандай бўлганлигини, улар воқеалар жараёнини қандай қабул қилганликларини теранроқ англаш, ҳис этишга кўмаклашади. Алломанинг адабий антологияси эса унга замондош кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда, шеърини намуналаридан баҳраманд бўлишда ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб боишда адабиётшунослар учун бирламчи манба вазифасини ўтайди. Муаллифнинг ўз ижод намуналари билан ҳам ушбу антология орқали танишиш имконига эгамиз. Мирза Салимбекнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида субъективизм, ҳукмрон доира нуктаи назаридан фикрлаш, қабул қилинган анъанавий қолипларга мос келмаслик гарчи нуқс этиб турсада, муаллиф ўзи кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларни имкон қадар холис ёритишга ҳаракат қилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Энг муҳими, у серқирра фаолият соҳиб, юксак шахс ва давлат арбоби сифатида халқимиз тарихидан, ёзган асарлари билан эса маънавий меросимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллай олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата). – Т.: “Akademiya”, 2009. – 324 с.
2. Норкулов Н. “Тарих-и Салими” – как исторический источник // Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата). – Т.: “Akademiya”, 2009. – С. 12. Мирза Салимбекнинг биографиясига доир фактлар “Тарихи Салимий” асарида келтирилган маълумотлар ҳамда Н.Норкуловнинг кўрсатилган мақоласида берилган изоҳлар асосида баён этилди.
3. Яхшиев А. Мирза Салимбек ҳаёти, ижоди ва маънавий-ахлоқий қарашлари // Ўзбекистон фалсафаси тарихи. 3-жилд. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2020. – Б. 189.
4. Манба: <https://gomus.info/encyclopedia/cat-m/mirza-salimbek-uz/>
5. Кастальский Б.Н. Историко-географический обзор Сурханской и Ширабадской долины // Вестник ирригации. – 1930. – №4. – С. 3.